

 $\check{Y}_3A$

ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ИЖТИМОЙ МАСАЛА

Мақсуда
Ворисова,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси:



— Президентимизнинг тегишли фармони ва қарориди аҳоли бандлигини таъминлашнинг аниқ устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ҳўш, бандлик нима учун бунчалик муҳим?.. Агар инсон меҳнат қилса, кўнгли тинч, ўзига ишончи мустаҳкам бўлади. Агар у биронинг қарамоғида яшаса ёки вақтинчалик ёлланиб ишлаётган бўлса, бу унинг дунёқараши, руҳиятига салбий таъсир ўтказиши. Бундай одамнинг кўнгли хотиржам бўлолмайди, эртанги кунга ишончи ҳам қолмайди. Давлатнинг, жамиятнинг вазифаси эса ҳар бир инсонга меҳнат қилиши учун ҳуқуқий асослар, шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Бандлиқни таъминлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан бири бўлгуси кадрларга таълим бериш, касб-хўнахўр ўргатиш сифатини оширишдир. Яқинда касб-хўнахўр коллежлари фаолиятини ўрганиб чиқдик. Бир гуруҳга кирсак, ўқувчилар компьютер туза-тузчиларимиз, дейишди. Лекин ўша коллежда компьютер синфи йўқ. Дунёдаги энг қimmat нарса — вақт. Уни ортга қайтариб бўлмайди. Демак, биз боланинг 3 йиллик умрини ўғирлаб қўямиз. Уларга фақатгина назарий билим бериш билан чеklangиб қолсак, эртага улардан қандай мутахассис етиштиб чиқади, деган савол кўндаланг турибди.

Иккинчи масала — режалаштириш ҳақида. Мамлакатимизда илк бор касб-хўнахўр коллежлари ташкил этилганда, шўшма-шўшарлик ёки тажрибасизлик оқибатида қайси ҳудудга қандай касб эгалари кераклиги чуқур ўрганилмаган. Бу камчилиқни кейинчалик бартараф этишга ҳаракат қилинди, кўплаб касб-хўнахўр коллежлари фаолияти йўналишлари қайта қўриб чиқилди. Аммо бу ишлар охирига етказилмаганини ҳаёт кўрсатмоқда. Ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, имкониятлари, истиқболи чуқур ўрганилиб, 5-10 йилдан кейин ўша ҳудудга қанча ва қандай мутахассис кераклиги ҳисоб-китоб қилиниб, ёшлар шунга қараб ўқитилса, ишсизликнинг олдини олиш бўйича яхши самара беради, деб ҳисоблайман. Бу борада муайян ишлар бошланди ва улар изчил давом этади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза билдирмоқчиман. Охириги вақтларда негидор боланинг касб танлаши, ишга жойлашишидаги масъулият кўпроқ мактабдаги педагоглар зиммасига тушиб қолди. Негидор бола 15-16 ёшга етганда, яъни 9-синфини битираётганда боланинг эртага қим бўлиб етишиши мактабда ҳал бўлапти. Ўқувчининг синф раҳбари уни тиббий қўриқдан ўтказди, ҳарбий қақирувга олиб боради, ҳужжатларини йиғида-да, амаллаб битта коллежга жойлаштириб келади. Буниси ҳам қолиб, агар бола ўша коллежга қатнамаса, ўқитувчи унинг уйига бориб, вазиятни ўрганишга мажбур. Бу жараёнда ота-онанинг иштироки нега кўринмапти? Ваҳоланки, фарзанд тарбиясига асосан ота-она масъул. Қолаверса, боласи нимага қизиқишини улар яхши билишади. Боладаги касб-хўнахўр бўлган қизиқчи 11-12 ёшдан шаклланади. Айрим ота-оналар боласини илмга, касбга йўналтиришда иштирок этмаётгани ачинарли ҳол. Бола тақдирига бундай бефарқлик эртага қимматга тушади. Қонунчиликка мана шу масалада ота-она масъулиятини кучайтириш бўйича ўзгартриш киритсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Меҳрож Дархонов,
ЎзХДП Тошкент
вилоят кенгаши
раиси:



— Президентимизнинг бандлик масаласидаги қарори ва фармонида белгиланган вазифаларни вилоят кенгашида фаоллар иштирокида алоҳида ўрганиб, бу борадаги ишларимизни белгиланган олди. Айниқса, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратаймиз.

Бу йил Тошкент вилоятида 35 мингдан ортиқ йигит-қиз касб-хўнахўр коллежларини битиради. Бандлик дастури доирасида уларнинг 16 мингдан кўпрогини ишга жойлаштириш белгиланган. Айниқса, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратаймиз.

Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида тиббиёт ва таълим соҳаларига 10 мингта мутахассис керак. Агар битирувчиларнинг 30 фоизи олий ўқув юртига ўқишга қирадиган бўлса, шунда ҳам бўш иш ўринларини тўлдириб бўлмайди. Сенаторлар, депутатлар билан бирга юрганимизда кўрдик, Қўйи Чирчиқда замонавий типдаги тиббиёт муассасаси бунёд этилган. Аммо ишлайдиган мутахассис-врач етишмайди. Демак, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ҳам худудларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб ёндашилиши ҳар томонлама тўғри. Бу масалада ҳозир бошланган ишларни изчил ривожлантириб бориш керак.

Яна бир масала. Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, корхона-ташкilotлар раҳбарларининг масъулиятига боғлиқ. Коллежни тамомлаган орзу-умидди ёшлар қаерда, қандай шароитда иш бошлаши уларнинг ҳаётга муносабати шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шу боис Президентимиз қарориди ёшларни иш билан таъминлаш бўйича мутасадди идора-ташкilotлар раҳбарларининг масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ҳамда корхона-ташкilotлар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифалар қўйилмапти. Мақсад — ёшлар эътиборсиз қолмасин, катта ҳаёт оstonасида қоқилиб, умидсизликка тушмасин. Бандлик масаласи нафақат ижтимоий, айтини чоғда маънавий, ҳуқуқий, сиёсий масаладир.

Жасур Қўлмуҳаммедов,
Тошкент автомобиль ва
йўллар касб-хўнахўр коллежи
директори, халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Юқорида айтилган қарор ва фармон ижроси бизни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга ишонаман. Аммо ҳозир мен қилаётган ишларимиз ҳақида эмас, муаммоларга тўхталмоқчиман. Аҳоли бандлигини таъминлаш маркази томонидан тақдим этиладиган бўш иш ўринлари кўп ҳолларда банд ёки маоши жуда кам бўлади. Оқибатда битирувчилар учун муносиб иш жойлари ҳар доим ҳам топилабди. Бундан ташқари, берилган вакансияга фақат иш стажига эга бўлган ишчиларни қабул қилиш шарт иш битирувчилар томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўрта махсус касб-хўнахўр таълими муассасаларининг ҳамда



Хушнудбек
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон қасаба
уюшмалари
Федерацияси юридик
бўлими етакчи
юрисконсулти:

— Муайян касб-хўнахўрлар бўйича ёшларни коллежларда 3 йил эмас, ундан қисқароқ муддатларда ўқитиб, уларга тегишли сертификатлар бериш масаласи қўйилмоқда. Бу



Фарида Қосимова,
Олмалиқ шаҳар тиббиёт
бирлашмаси шифокори, халқ
депутатлари Тошкент вилоят
кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Касб-хўнахўр коллежлари битирувчиларини бюджет ташкilotларига ишга жойлаштириш борган сари қийинчиликлар туғдирмоқда, турли



Нурмуҳаммад
Абдуллаев,
халқ депутатлари
Тошкент вилоят
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Биз бир масалага узок вақт томошабин бўлиб келдик. Касб-хўнахўр коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашганлиги билан боғлиқ маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилма-

олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчиларга дастлабки синов муддати ўтилмайди, деб белгилаб қўйилган. Мана шу меъёрга қатъий амал қилиниши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини битирувчиларга кам фойзлик кредит берилиши белгиланган. Лекин уни олишда битирувчи бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Булар кредит олиш учун қалфолат берувчи ёки гаровга қўйиладиган мулк, жой масаласи ҳамда бериладиган маблағни ўз вақтида олиш ва бошқа масалалардир.

Битирувчилар дуч келаётган яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Битирувчилар ўз хоҳишлари билан тўрт томонлама шартнома тузгандан сўнг иш битирувчилар томонидан ҳар доим иш билан таъминланмайди. Сабаби шартнома бир-икки ой олдин тузилади, лекин ишлаш июнь ойидан бошланади. Унгача «бўш иш ўрнига қимдир ишга олиб қўйилган» бўлади ёки иш ўрни сақлаб қўйилмайди.

Ушбу масалалар борасида ўз тақлифларини айтиб ўтмоқчи эдим. Коллежларга бириктирилган иш битирувчи корхоналар реал бўш иш ўринларини коллежга тақдим қилишса ва шунга асосан тўрт томонлама шартнома тузилса, мақсадга мувофиқ

ҳуқуқшунослик йўналишларидаги коллежларда ўқитиладиган, ҳолос. Қолган касб-хўнахўр коллежларида умумий ҳуқуқшунослик фани ўқитиладиган. Меҳнат ҳуқуқи фанига жуда кам соат ажратилган. Таълим стандартлари бўйича аслида барча касб-хўнахўр коллежларида меҳнат ҳуқуқи фани ўқитилиши керак, деб ҳисоблайман. Боиси, битирувчи меҳнат ҳуқуқини билиши жуда муҳим. Норасмий бандлик кўпайишининг сабабларидан бири ҳам ёшларнинг меҳнат ҳуқуқини билмаслиги билан боғлиқ. Шулардан келиб чиқиб ҳулоса қиладиган бўлсак, касб-хўнахўр коллежларида меҳнат ҳуқуқи бўйича ҳеч бўлмаганда махсус курслар ташкил этилса, яхши бўларди.

Бугунги кунда кафе, ресторан, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари

хил чигалликларни келтириб чиқармоқда. Чунки бюджет ташкilotларида тасдиқланган иш жойлари мавжуд бўлиб, ҳар йили янги иш ўринлари яратилмайди.

Бундан ташқари, тиббиёт соҳасидаги изоҳотлар натижасида шифохоналарда ўрин-жойлар қисқариб, штатлар қамалган. Лекин тиббиёт коллежлари ҳар йили янги битирувчиларни чиқаради. Уларни ишга жойлаштириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи бўйича танлов асосида ўтказилади. Барча битирувчиларни иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаяпти. Тўрт томонлама шартномаларга қўшимча банд киритилиб, муҳр қўйилмоқда. Бунини нима фойдаси бори? Битирувчи бир йилда уч ёки тўрт нафар коллеж битирувчисини ишга олиш мумкин, ундан ортигини эмас. Шунда ҳам қимдир таътилга кетса ёки бошқа ишга ўтса.

Албатта, бу жуда чуқур масала, ле-

кин бу муаммоларни босқинча-босқин ҳал қилиш чоралари қўрилиши керак. Бюджет ҳисобидида шифохона ва поликлиникаларда ҳўжалик ҳисобидида ишлашни кенгайтириш ва шу ҳисобдан янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳақида ўйлаб қўриш мумкин. Маҳалла фуқаролар йиғинларига биттадан ҳамширани бириктириш ва уларга олийк маошини маҳалла имкониятлари орқали тўлаш йўлга қўйилса, бу тажриба муаммони юмшатишга хизмат қилади.

Ҳаётдан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, кўп гувоҳи бўлганимиз, маҳаллада, айниқса, кўп қаватли уйларда яшаётганлардан қимдир уйда муложа олмоқчи ёки қон босимини ўлчатмоқчи. Тез ёрдам қақирғи ўрнига, маҳалладаги ҳамширани қақирғини маъқул эмасми? Ёки кекса киши ёки ногиронни поликлиникага қатнаши оsonми? Поликлиникадан врач ёки ҳамширанинг келиб-кейтиши ҳам қатор қўшма-қўшма юзга келтиради.

Бандлик даражасини ошириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш партияимиз дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун партия ташкilotлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари бу борада ўраётган камчиликларни бартараф этиш бўйича ташаб-

булар эди. Шунингдек, битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича ота-она масъулиятини ошириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айрим ота-оналар фарзандларининг ўзлари ёқтирган касбда эмас, балки ўзларига маъқул бўлган касбда таҳсил олишини хоҳлашади. Масалан, фарзанднинг техникага қизиқиши банд, аммо ота-онани унинг шифокор бўлишини истади. Шу ерда савол туғилади: бор вужуди билан техникага қизиққан боладан қандай қилиб яхши шифокор чиқиши мумкин?..

Коллеж ўқувчиларини биринчи курсдан бошлаб иш битирувчи корхоналарга бириктириш ва келажақда ўша жойда амалиётни ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, касб-хўнахўр коллежлари битирувчилари учун лавозимлар даражасини қонун доирасида қайта қўриб чиқиш ва тасдиқлаш зарур. Фикрини янада аниқроқ айтадиган бўлсам, масалан, тиббиёт коллежини битириб, шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаётган ходимнинг лавозимини пенсияга чиққунча ҳамшираликда қолиб кетадими ёки маълум даражага кўтариладими? Яъни, ўрта махсус дипломга эга бўлган йигит-қизнинг мутахассислиги бўйича қайси лавозимга ишлаши мумкинлиги меъёрий ҳужжатларда аниқ кўрсатилган бўлиши зарур.

Қомил Абдуллаев,
Ўзбекистон ногиронлар
жамияти раиси:



— Тўғриси, мавзу жуда долзарб. Бандлик масаласи биз учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний имконияти чекланган кишилар бандлигини таъминлаш, ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш уларнинг ҳаётга қизиқишини оширади, руҳини кўтарди.

Айтиш кераки, бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан изчил ҳамкорлик қилиб келямиз. Ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларни ишга жойлаштириш ва бошқа имкониятлар яратиб бериш масалаларида ўзаро алоқа ўрнатилган. Хусусан, ушбу йўналишда меморандум имзоланган. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тегишли бандлари бўйича режа ишлаб чиқилган. Июль ойидан ушбу режани амалга ошириш бошланади.

Мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида катта гамҳўрликлар кўрсатилган, қонун қабул қилинган. Лекин тизимдаги айрим муаммоларни ҳал этиш учун мазкур қонунга ўзгартриш киритиш керак, деб ўйлайман. Қонуннинг 25-моддасида ҳам бир муассаса ва ташкilotдаги ишчилар сонининг қимиди 3 фоизи ногиронлар учун банд этиб қўйилиши кераклиги белгиланган. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш керак. Чунки йигирма кишининг 3 фоизи 1 та иш ўрнига ҳам тўғри келмайди.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ногиронлар ҳафтасига 36 соатдан кўп ишламаслиги лозим. Лекин бунга амал қиладиган ташкilotлар санокўй. Бизни ранжитётган яна бир ҳолат бор. Имконияти чекланганлар ўқийдиган коллежларни битираётган ёшлар ҳам қаердадир ишлаши, яшаши, оила қуриши керакми? Ҳўш, улар қаерда ишлайди?..

Дипломи, мутахассислиги бор. Иш сўраб борилса, ташкilotларда қисқартириш бўлди, деган жавобни олиш ҳоллари кўп учрапти. Бундай ҳолда улар ишсизлик нафаси олиши лозим. Бунинг учун ҳам бир қанча ҳужжатларни йиғиш керак. Демак, бунга ҳам анча вақт кетди. Уларнинг имконияти чекланганини ҳисобга олсак, масаланинг долзарблигини янада чуқурлашди.

Битирувчилар ногиронлар жамиятига мурожаат қиладиган бўлса, унитар корхона оқишида қўмак берилапти. Ташкilot ходимларининг 50 фоиздан кўпрогини ногиронлар ташкил этса, катта имтиёزلарга эга бўлади.

Албатта, ногиронларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятлар яратиб бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаш, ижтимоий адолат принципини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Малика Қодирхонова,
«Тадбиркор аёл»
Ўзбекистон ишбилармон
аёллар ассоциацияси
Тошкент вилояти бўлими
раиси, «Inter Stal» МЧЖ
бош директори:



— Мен амалиётчи тадбиркор сифатида фикр билдирмоқчи эдим. Бугунги кунда норасмий бандликни қамайтириш мақсадида ҳусусий тадбиркорлик субъектларига ягона ижтимоий тўлов ставкасини пасайтириш масаласи ҳақида ўйлаб қўриш жуда долзарбдир. Шундай механизм яратиш кераки, ходимларнинг сони ошгани сайин ижтимоий тўлов миқдори пасайиб бориши керак. Акс ҳолда, тадбиркорлар ишчиларга норасмий пул тўлаб ишлатишдан манфаатдор бўлиб қолаверадими?..

Грант асосида Бўка, Бекобод, Чиноз, Қўйи Чирчик, Оққўрғон, Охангарон туманларидаги 36 касб-хўнахўр коллежида амалий семинарлар ва маҳорат дарслари ўтди. Ушбу жараёнда маълум бўлдики, битирувчиларнинг тадбиркорлик бораидаги билимлари, амалий машғулотлар сифати паст. Асбоб-ускуналар ва ҳаммаёлар етарли эмас, баъзи бир касб-хўнахўр коллежларининг моддий-техник базаси талабга жавоб беради.

Коллеж битирувчиларида тадбиркорлик соҳасига қизиқиш жуда катта, уларнинг бизнес гоғлари ҳам турли-туман. Шу боисдан уларга ҳусусий бизнес тўғрисида кўпроқ маълумот берилса, ўз мустақил ишини йўлга қўйишни истаган ёшларимиз сафи тобора кўпайиб бораверадими?

Касб-хўнахўр коллежларининг дарс жадвалига «Тадбиркорлик асослари» бўйича кўпроқ дарс соатлари киритилса фойдали бўларди. Шунингдек, кредит учун юридик шахс қағиллиги бўйича банк талаб қиладиган ҳужжатлар ичида аудитор ҳулосаси ҳам бор. Агар юридик корхона касб-хўнахўр коллежи битирувчисига қағил бўлса, аудитор ҳулосасини ҳусусий аудиторлик корхоналари эмас, (чунки бу жараён бир мунча мураккаб ва қimmat) балки банк ички аудиторлари бериши қўзда тутилса яхши бўлар эди.


Ўйлашимча, юқоридаги тақлифлар бандликни таъминлаш имкониятларини ошириш, ишчиларни норасмий тарзда ёллаб ишлатиш амалиётини қамайтиришга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бир давра суҳбати доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ қамраб олишининг имкони йўқ, албатта. Тақлиф, мулоҳазаларнинг айримлари баҳсли бўлиши ҳам мумкин. Аммо одамларни иш билан таъминлаш бўйича жойларда муаммолар борлигидан қўз юмиб бўлмайди.

Бандлик масаласига энг муҳим вазифаларимизнинг энг муҳими, деб қаралмоқчи ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Президентимизнинг бандлик масаласидаги фармони ва қарори ижроси таъминланишидан энг аввало партияимиз электорати вакиллари манфаатдор бўлишини ҳисобга олсак, зиммамизда катта вазифалар турганини англаймиз. ЎзХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари, партияимизнинг «Фаол аёллар» қаноти, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари бу жараёнда ўз позицияси ва ташаббусларига эга бўлмоғи лозим. Улар худудлардаги аҳолини ўрганиб, тақлиф этиб, тақлифлар тайёрлаб, тегишли идораларга тақдим этиб боришлари аънаанага айланмоғи керак.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Лазиза ШЕРОВА ва Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.



ЎзА сурати.

ЎЗ БОЛАНГНИ ЎЗИНГ АСРА

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг,
Бўстонинг бор, чаманинг бор.
Асрлар келар яшагинг,
Боқиб тўймас Ватанинг бор.
Тоғу тошинг, еру сувинг,
Шалолангни ўзинг асра.
Ўз уйингни асра ўзинг,
Ўз болангни ўзинг асра.

Бу дунёда қолар изинг —
Қанду новвот ўғил-қизинг.
Қувончинг ҳам, давомчинг ҳам
Ёруғ юзинг, ёруғ юзинг.
Гард қўнамсин, эҳтиёт қил,
Қўз қорангни ўзинг асра.
Дилпоранг ҳам жигарбандинг,
Ўз болангни ўзинг асра.

Дунё — ёнғин, дунё — тутун,
Борми бирор бағри бутун?
Ироқдан то Шому Қатар
Ейилмиш бир хавф хатар.
Қурол-яроғ дунёсиди
Гуллолангни ўзинг асра.
Асрламай сен-чун биров,
Ўз болангни ўзинг асра.

Эй одамзод, тўқу очинг,
Мунглиғ ҳилол, ожиз хочинг,
Биринг муслим, биринг қофир,
Биринг мужрим, биринг гофил.
Ўзинг бунёд этиб келдинг,

Ўзинг барбод этиб келдинг,
Зуволангни ўзинг асра,
Ўз болангни ўзинг асра.

У бир қўчат, бир навниҳол,
Эгилгай бир эсса шамол.
Жаҳолат куч шайлаб турар,
Шу болангни пойлаб турар.
Қанча орзу-хавас, умид...
Бўлмай десанг юзим шувит.
Мисли қошу қўзинг асра,
Ўз болангни ўзинг асра.

Гарчи Ватан севмок — иймон,
Диёнатдир, диёнатдир.
Бир нобакор арзанданг лек
Шу Ватанга хиёнатдир.
Тўғри фарзанд ўстирмоқ ҳам
Жасоратдир, матонатдир.
Болангдан бир ўғлон ўстир,
Иймон ўстир, ирфон ўстир,
Хеч қандай қўч емиролимас
Қўрғон ўстир, қўрғон ўстир.
Термизийлар тупроғи шу,
Бухорийлар урпоғи шу —
Ер юзига ҳикмат эккан
Сулолангни ўзинг асра.
Ўз болангни ўзинг асра!
Ўз болангни ўзинг асра!

2017

Сирохиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ИСЛОМ — ПОКЛИК ДИНИ

унда тажовуз, зўравонлик йўқ

Анвар қори
ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби:



— Аллоҳ таолога беҳисоб шукрлар бўлсин, айни кунларда мамлакатимизнинг моддий ва маънавий ҳаётида жуда катта воқеалар юз бермоқда. Мухтарам Президентимиз катта ислохотларни амалга оширмоқда. Халқимизни яратилган, бунёдкорликка, эзгу ва оламшумул ишларга ундаяпти. Энг муҳими шундаки, ушбу вазифаларни қандай амалга ошириш кераклигини тушуништирипти, кўрсатяпти, ўзи бош бўлиб бажаряпти. Юртдошларимизнинг турмуши фаровон бўлиши учун тиним билмай машаққат чекмоқда. Бу биз учун улкан бахт. Шунга аминманки, у кишининг айтганларини англай олсак, ўз шувримизга жойлай билсак, иншооллоҳ бир бутун миллат сифатида шаклланимиз.

Яқинда мамлакатимизда тарихий воқеа юз берди. Президентимиз давлат ишлари жуда кўплигига қарамай муқаддас динимизга бўлган юксак ҳурматини кўрсатган ҳолда юртимиздаги таниқли уламоларни, илм-фан намояндалари ва зиёлиларни, имом-хатибларни йиғиб, уларга ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Бунақаси ҳали бўлмаганди.

Халқимизни турли ёт ғоя ва оқимлардан ҳимоя қилишда имом-хатиблар ҳамда уламолар зиммасида муҳим вазифалар турибди. Бу борада энг катта масъулият айнан бизнинг зиммасида десам, асло хато бўлмайди.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида: «Сизлардан яхшилиқка қақирадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар қиладиган бир уммат бўлсинки, ана ўшалар нажот топувчилардир» деган. Бу айнан имом-хатибларнинг вазифасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бизга «уйғонинглар» қабилида мурожаат қилмоқда.

Имом сўзининг маъноси «аввалида юрвчи» деганидир. Бизнинг зиммамиздаги вазифа фақат никоҳ ўқиш ҳамда турли маросимларда ҳозир бўлиш эмас. Халқимизнинг маънавиятини сақлаш ва янада юксалтириш, муқаддас динимизнинг аҳкомларини одамларга етказиш, тушунириш каби ишларни амалга оширишда фидойи бўлишимиз, шижоат кўрсатишимиз лозим. Агар ушбу ишларга чин дилдан қаришмасак, белимизни маҳкам боғламасак, фарзандла-



римизни турли ёт ғоялардан асрашимиз қийин бўлади.

Президентимиз яна бир муҳим масалани ўртага ташлади. Бу оилани сақлаш муаммосидир. Динимизда ҳам оила муқаддас саналади ва уни булар-бўлмас баҳоналар тўғрисида бўзилиб кетишидан қайтарилади. Бу борада ҳам олдимизга муҳим вазифалар қўйилдики, уларни бажаришга ҳар биримиз масъулмиз.

Юртдошларимизни эзгу ишларга бошлашимиз, уларга тўғри маслаҳатлар беришимиз зарур. Агар бу ишларни қилмасак, Аллоҳнинг олдида гуноҳкор, Президентимизнинг олдида хижолат бўламиз.

Биз имомлар шу юртнинг фуқароси сифатида Ватанимизнинг тақдирини, ёрқин келажagini учун ҳамжиҳат бўлишга, Давлатимиз раҳбарини

ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Ахир шундай катта савоб ишларга қўл урилайётган бир пайтда қандай қилиб четда туриш мумкин?

Президентимиз унрашувда яна бир пурмаъно сўзни айтди: «Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватга бугун «Ўз болангни ўзинг асра!» деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман». Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир бола бизнинг фарзандимиз. Уларни асраш ҳаммамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Яхши сўзнинг исрофи бўлмайди. Шунинг учун одамларни эзгуликка қорлашдан асло тўхтамаслик керак. Тушунириш ишларини муттасил олиб борсак, кина кўзлаган мақсадларимизга етишамиз.

мизга етишамиз. Юртимиздаги тинчлик ва оқошталикка имом-хатиблар ўз ҳиссаларини қўшмайдиган бўлсалар, улар гуноҳкор бўлади. Бу ишга камарбаста бўлсалар, жуда катта ажр-савобга эга бўлади.

Исло — поклик дини. Унда ҳеч қандай тажовуз, зўравонлик йўқ. Экстремизм бизнинг динимизда мутлақо йўқ! Бунга қараб мақсадли кишилар тамга қилиб ёпиштириб қўйишган. Бу ҳақиқатни одамларга ким айтиди, ким тушуниради? Албатта, имомлар. Жума намозларида, амру-маъруфларда, матбуот ва телевидение орқали чиқишларда ана шу давр талабини тушутирсак иншооллоҳ кўзлаган мақсадимизга етишамиз.

Темур АбЗАМ
ёзиб олди.

Оғоҳлик — давр талаби

ХАВФСИЗЛИК ОЙЛИГИ ЯҚУНЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар «Ўзбек-энерго» акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимизнинг энергетика тизими корхоналарида хавфсизлик техникаси ойлиги ўтказилмоқда.

Усуналарнинг ишончли ишларини таъминлаш, ишчи-ходимлар учун хавфсиз меҳнат шaroити яратиш, жароҳатланганларнинг олдини олиш мақсадларига йўналтирилган ойлик доирасида «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор ишчи-ходимларга хавфсизлик техникаси қондаларини кенг тушуниришга қаратилаётган. Хусусан, электр цехида ойликни намунали ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқариш хоналари қайта қўриб чиқилди, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Ходимлар ўртасида ташкил этилаётган кўрик-танлов, қатор унрашув ҳамда семинарлар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш кераки, инсон ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан устун. Шунинг учун ҳам, айниқса, иш жойларида, корхона ва ташкилотларда техника хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш, бу борада ҳушёр ва оғоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ақром БОБОЕВ,
«Талимаржон ИЭС» унитар
корхонаси
электр цехи бошлиғи
ўринбосари.

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг
ноқонуний айлланишига қарши кураш куни

«ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айлланишига қарши кураш куни муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги доирасида ўтказилган тадбирда 2 тонна 4,5 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

Тадбирда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё миқёсида ҳар йили гиёҳвандликка чалинган 230 минг киши ҳаётдан бевақф қўз юмади. Шу боис наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масалалардан. Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Наркобизнесга қарши курашишда БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон 1995 йилда ушбу конвенция ва наркотикларга қарши курашиш борасидаги бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимиз уларда белгиланган вазифаларни тўла бажариб келмоқда.

Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши курашиш бўйича давлат тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда бу оғатга қарши курашувчи алоҳида тизим иш олиб бормоқда. Соҳага оид фаолиятни давлат даражасида мувофиқлаштириш учун идоралараро орган — Давлат комиссияси фаолият юритмоқда.

Миллий қонунийчилигимизда гиёҳвандликка оид жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Наркотик моддалар савдоси трансчегаравий муаммо бўлиб, уни халқ қилиш учун миллий ва давлатлараро даражада қатъий, ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар қўриш талаб этилади. — дейди БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ашита Миттал. — Ўзбекистон Республикаси «заҳри қотил»га қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг стратегик шериги ҳисобланади ва ҳар йили ушбу йўналишда салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётганимиздан ва самарали натижаларга эришяётганимиздан мамнунмиз.

2016 йил Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотрафикка қарши курашишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда наркотик моддаларни мамлакатимизга олиб кириш йўллари бекитиш, уларнинг нафақат мамлакатимиз ичида ноқонуний муомалада бўлиши, балки ҳудудимиз орқали транзит қилинишига ҳам чек қўйиш, уюшган жиноий гуруҳларни йўқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотиغا кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йилда 6 минг 600 дан зиёд наркожиноят фош этилган. Улардан ярмини наркотик моддаларни ўтказиш-сотиш ташкил қилган бўлса, қолганлари контрабанда, гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, бангхола наркотик ташкил этиш ва бошқа турдаги жиноятлардир.

Оғуфурушлар мамлакатимизга наркотикларни асосан Тожикистон ва Қирғизистон орқали олиб ўтишга уринмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати матбуот маркази катта ходими Лола Йўлчибоева. — Амударё орқали Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқдан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳамда шимоли-шарқдан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига олиб киришга уриниш ҳоллари кузатиляпти. Бунга қарши аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар самарасида гиёҳванд моддаларнинг йўлга муштаҳам тўсиқ қўйилган.

2016 йил 3 февраль кўни Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида гашиш наркотик моддасини контрабандаси ва ўтказиш-сотиш билан шугулланаётган жиноий гуруҳ қўлга олинган. 2016 йилнинг 4 март кўни ушбу гуруҳ аъзоларидан бирининг ўйи тинтув қилинганда 15,5 килограмм миқдордаги гашиш гиёҳванд воситаси топилиб мусодара қилинган. 2016 йилнинг иккинчи чораги мубойида Сурхондарё вилоятининг чегара ҳудудларида олиб борилган 24 ҳолатда эгасиз яширилган 327 килограмм опий, 10,8 килограмм гашиш, 1,6 килограмм героин гиёҳванд воситалари мусодара қилинган.

Ўзбекистонда 2016 йилда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни амалга оширганлиги учун ушланган шахсларнинг 110 нафарини чет эл фуқаролари ташкил этган. Улардан 340 килограмм наркотик воситалар, 2,4 мингдан ортиқ психотроп таблетка, 45,8 грамм прекурсорлар мусодара қилинган. Мисол учун, 2016 йил 6 январь кўни Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида 1985 йилда турилган Афғонистон фуқароси Гулмамат Худойберди ўғли 30 килограммга яқин опий гиёҳванд воситасини контрабанда йўли билан олиб ўтаётганда қўлга олинган.

2016 йил 9 март кўни Тошкент вилояти Бекобод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида 4 килограммга яқин героин гиёҳванд моддаси мусодара қилинган.

«Қора дори — 2016» кенг қамровли тадбири давомида 1 минг 70 ҳолатда 4 минг 933 квадрат метр майдонда таркибиди наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экиланлиги аниқланган. Бош прокуратура томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари тергов олиб борган наркотик воситалари билан боғлиқ 4 минг 762 жиноят иши назорат тартибидида ўрганилган. Судлар томонидан 4 минг 726 шахсга нисбатан наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига оид 3 минг 484 жиноят ишлари қўриб чиқилган.

Диспансер рўйхатида турадиган гиёҳванд беморлар сони 2 минг 713 тага қамайиб, 10 минг 505 тани ташкил этди. Наркология соҳаси мутахассислари томонидан аҳолининг турли қатламлари орасида қўллаб тадбирлар ўтказилаётгани, оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар қилинаётгани гиёҳвандликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мутасадди идоралари ва ташкилотлари вакиллари томонидан малякумат хамда профессионал кўникмаларини ошириш юзасидан тегишли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, халқаро лойиҳалар доирасида ўтказилган семинар, тренинг ва ўқув-амалий машғулотларда 204 мутахассис катнашган. Халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар билан биргаликда мавжуд техник асбоб-ускуналар аниқланган.

Мамлакатимизда амал қилаётган тартибга мувофиқ, судда ашёвий далил сифатида ўтган гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний қўлга кирчаг, махсус печларда ёқиб юборилади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 1994 йилдан буён 57 тонна 443 килограмм наркотик моддалар йўқ қилинган.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 09.04.2008 йилда 59-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 6-уй манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтган «Агро invest sug'urta» акциядорлик жамияти (СТИР 206957334) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10-1609/24343-сонли иши бўйича 2016 йил 12 октябрдаги ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида ва акциядорларнинг 2017 йил 8 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 1-сонли қарори асосида тугатилётганини маълум қилади.

Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2017 йил 4 сентябргача 100096, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 6-уй манзилида қабул қилинади.

Тел: (+99895) 193-41-00.

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ҳузуридаги
тарих институтини
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил
17 февраль ПҚ-2789-сонли ва
Вазирлар Маҳкамасининг 2017
йил 18 майдаги
292-сонли қарорларига асосан
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси таркибига
ўтказилганлигини маълум қилади.
Давво ва эътирозлар эълон
чиққан кундан бошлаб бир ой
ичида қабул қилинади.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-muro: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 boema taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638
14456
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:49
Topshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan naxxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1772030763006

1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI